Методик қўлланма

Мустақил таълимни

ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378.041(072)(075)
КБК: 74.58я7
З – 39
Зарипов, Лочин
Мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари [Матн]: методик қўлланма / Л.Зарипов, З.Тоҳиров, М.Тухтаева. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 32 б.

ISBN 978-9910-9622-8-8

Мазкур методик қўлланма олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, баҳолаш мезонлари ҳамда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни ўзида акс эттирган. Шунингдек, юртимизда мустақил таълимнинг таълим жараёнларидаги ҳолатини объектив ўрганиш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида сўровнома ўтказилиб, унинг натижалари тизимли таҳлил қилинган.

Ушбу методик қўлланма олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, малака ошириш ва қайта тайёрлашга келган ходимлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда талабалар учун мустақил таълимни ўрганишда фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.041(072)(075)
КБК: 74.58я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9622-8-8

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Талабларга юқори даражадаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ бера олмайди. Буни амалга оширишда мустақил ўқув фаолияти тўлдирувчи, ривожлантирувчи компонент вазифасини бажаради. Шу ўринда мустақил таълим тушунчасига изоҳ бериб ўтсак. Мустақил таълим — олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сонли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш ва илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга стратегик масалалар сифатида алоҳида аҳамият берилган.

Жумладан, Концепцияда "Мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш" вазифаси белгиланган. Шунингдек, унда таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш, малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларга эга бўлиши, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга эришишлари мумкинлиги таъкидланган.

Мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини ташкил қилиш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда ўқув режаларда талабалар ўқув юкламасининг ҳажми аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати бакалавриат таълим йўналишларида 40/60 фоиз нисбатидан

50/50 фоиз нисбатигача, магистратура мутахассисликларида 30/70 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача ажратилган. Таълим дастурининг ўзгариши жараёнида фанларнинг бир қатор масалалари ва муаммолари мустақил таълим орқали ўрганилиши лозим. Мустақил таълим талабалар томонидан у ёки бу фан бўйича дастур материалларидан бир қисмининг мустақил ўзлаштирилишидир.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Юксак малакали мутахассисларнинг истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, талабаларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантирилиши мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши керак.

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Таълим тизимида мустақил билим олиш, назорат қилиш мустақил таълимнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мустақил билим олишда, аввало, талабаларда мустақил ишлашга, эркин, ижодий фаолият юритишга ва энг асосийси, мустақил фикрлашга эҳтиёжни шакллантириш лозим.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мустақил таълим талабани таълим олишнинг замонавий усулларини эгаллашга, ўз ижодий қобилиятларини ўстиришга, фикрлаш тарзини такомиллаштиришга йўналтиради. Талабада мустақил фикр пайдо бўлишига, унинг билиш фаоллигига имкон берадиган ҳар қандай машғулот тури мустақил таълимни ташкил этади. Мустақил таълим аудитория ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлиги остида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил ўрганиш мажмуини англатади. Ўқишнинг бошланғич босқичларида талабанинг мустқил ишини ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури — олий таълим талабларига кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади.

Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Олий таълимни ривожлантириш маркази томонидан талабаларининг мустақил таълим вақтларида олган билимини ўқув жараёнида баҳолаш бўйича профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида сўровнома ўтказилди. Мазкур сўровномада **1700 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар** ҳамда **6500** нафардан ортиқ талабалар иштирок этишди.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, олий таълим муассасаларида талабалар мустақил таълимда олган билимини баҳолаш бўйича бир қанча тизимли муаммолар мавжуд. Аниқ кўрсатмалар йўқлиги ҳамда ўқув жараёнида акс эттириладиган меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ҳозирги кунда профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятига ва талабаларнинг савиясига таъсир қилмай қолмаяпти. Мустақил таълим назорати олий таълим муассасалари битирувчиларининг келажакда олий таълим муассасасида олган билим ва кўникмаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳамда иш фаолиятида янгиликларни мустақил таҳлил қилиб ўзлаштириб олишига замин яратади.

Профессор-ўқитувчилар учун ўтказилган сўровнома натижалари

Сўровномада Профессор-ўқитувчиларнинг ёшларини 4 та категорияга бўлиб олинди ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўйича қуйидаги саволлар орқали мурожаат қилинди:

1. Мустақил таълим топшириқларини қабул қилиш учун алоҳида контакт соатлар белгиланиши керакми?

Сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 52,2 фоизи “Ҳа, чунки семинар дарсларида маъруза мавзуларини ўзлаштирганлик текширилади”, 33 фоизи “Йўқ, мустақил таълим мавзулари ва адабиётлар рўйхати ўқитувчи томонидан талабага ўқув йилининг бошида тақдим этилиб, унинг ўзлаштирилганлиги оралиқ/якуний назоратларда баҳоланиши керак”, 14,8 фоизи “Семинар дарсларида маъруза мавзулари бўйича саволлар бўлиб, якуний назорат мустақил таълим мавзуларини ўзлаштирилганлигини текшириш вазифасини бажариши керак” фикрларини илгари суришган.



Профессор-ўқитувчиларнинг жавобларидан кўриниб турибдики, мустақил таълим вақтларида талабалар олган билим ва кўникмаларни баҳолашда аниқ бир норма йўқлиги талабаларнинг мустақил таълим

давридаги тадқиқотлари самарадорлигини ва олган билимини қўллаш имкониятини чегараламоқда.

2. Мустақил таълим топшириқларини бажариш фан кредитини йиғишда аҳамиятга эга бўлиши керакми?

Сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 77,3 фоизи *“Ҳа, чунки талабанинг асосий вақти мустақил таълим олишга сарфланади,бу қисм бажарилмаслиги фаннингетарлича ўзлаштирилмаганлиги билан тенг”,* деб жавоб берган бўлса, 22,7 фоизи эса *“Йўқ, кредитлар ўқитувчи тўлиқ назорат қила оладиган контакт соатларига қараб белгиланиши керак. Мустақил таълим натижалари жорий/оралиқ/якуний назоратларда баҳоланади”,* деб жавоб беришган.



Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир фан/модуль бўйича ажратилган кредит миқдорининг умумий белгиланиши мустақил таълимнинг муҳимлик даражасини камайтирмоқда.

3. Мустақил таълимни баҳолашда ўқув натижаларини (умумий ва касбий компетенциялар) ҳар бир фан мавзусига бириктириш методи ҳақида фикрингиз?

Сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 68,5 фоизи *“Ижобий, чунки мустақил таълимда айнан қайси компетенцияларни шакллантириш кераклиги аниқ бегиланади. Бу баҳолаш мезони вазифасини ҳам ўтайди”*, 12 фоизи *“Салбий, баҳолаш жараёни ўқитувчидан қўшимча вақт ва кучталаб қилади”*, 19,5 фоизи *“Ижобий, аммо талабаларга баҳолаш нимага асосланганини тушунтириш ишларини олиб боришга зарурат туғдиради”* фикрларини илгари суришган.

Профессор-ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари шуни англатадики, мустақил таълим талабаларнинг танлаган соҳаси бўйича компетенцияларини шакллантиришда, фан бўйича олиб борилган тадқиқотлар

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШДА ЎҚУВ НАТИЖАЛАРИНИ (УМУМИЙ ВА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР) ҲАР БИР ФАН МАВЗУСИГА БИРИКТИРИШ МЕТОДИ ҲАҚИДА ФИКРИНГИЗ?



юзасидан танқидий фикрлаш ва қарорлар қабул қилиш қобилиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мустақил таълим талабалар учун муҳим бўлган бошқа компетенциялар қаторида ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини англаш, ижодкорлик, муаммоларни ечиш ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлаш кўникмаларни шакллантиради.

Мустақил таълим талабаларга ўз таълим жараёнини бошқариш имконини берувчи ўрганиш усулидир. Бу ўз-ўзини бошқаришга урғу берадиган таълим шакли бўлиб, унда ўқувчилар ўз мақсадларини белгилаш, ўз ўқув фаолиятини режалаштириш ва ўз ютуқларини баҳолаш учун жавобгардир. Мустақил таълимда муваффақиятга эришиш учун талабалар ўз таълимини назорат қилиш имконини берадиган бир қатор компетенцияларни эгаллашлари керак.

Мустақил таълим жараёнида талабалар эгаллашлари керак бўлган энг муҳим компетенциялардан бири бу — ўз-ўзини рағбатлантиришдир. Ўз-ўзини рағбатлантирадиган талабалар ўз мақсадларини қўя оладилар ва улар ташқи босим ва назоратсиз ҳаракат қилишади. Бунинг учун мақсад қўя олиш ва қийинчиликларни енгишга тайёрлик, шунингдек, диққатни жамлаш ва тартибли бўлиш қобилияти талаб этилади.

Мустақил таълим вақтида талабалар учун яна бир муҳим компетенция бу — танқидий фикрлашдир. Мустақил ўқувчилар ахборотни танқидий баҳолай олиши, нотўғри ва тахминларни аниқлаши, далилларга асосланиб ўз хулосаларини чиқариши керак. Шунингдек, улар ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда самарали баён эта олишлари зарур.

Талабалар ўз-ўзини рағбатлантириш ва танқидий фикрлашдан ташқари, time menegment — вақтни яхши бошқариш кўникмаларига эга бўлишлари керак. Улар вазифаларни самарали тарзда биринчи ўринга қўйишлари, вақтларини самарали бошқаришлари ва белгиланган муддатларни вазифаларни бажаришлари лозим.

4. Мамлакатимизда талабаларнинг мустақил таълими самарали ташкил этилган деб ҳисоблайсизми?

Мазкур саволга профессор-ўқитувчилар томонидан турлича фикр-мулоҳазалар берилган. Сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 29,6 фоизи *“Олий таълим муассасаларида мустақил таълим самарали ташкил этилган”*, 31,3 фоизи *“Самарали ташкил этилмаган”,* деб ҳисоблашса, 39,1 фоизи *“Қисман самарали ташкил этилган”,* деб жавоб беришган. Сўровнома натижаси шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасаларида мустақил таълим етарли даражада ташкил этилмаган.

Назарий жиҳатдан барча ишлар амалга оширилган, аммо амалиётда кўплаб камчиликлар мавжуд. Хусусан, талабалар томонидан мустақил таълим ҳақида тушунчанинг йўқлиги мустақил таълимни самарали ташкил этишда муаммоларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам мустақил таълим сифати бўйича малакасини ошириш лозим.

Мустақил таълимнинг шакли ва сони талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этилмаяпти ва низомда келтирилган муддатда тақдим қилинмаяпти. Талабалар мустақил таълимни балл тўплаш учун бажариб, ўзлари учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллай олишмаётганларини такидлашмоқда.

5. Мустақил таълимни баҳолашда қандай методлардан фойдаланиш керак?

Мазкур саволга профессор-ўқитувчилар томонидан берилган жавоблар қуйидаги натижани кўрсатди. Профессор-ўқитувчилар мустақил таълимни баҳолашда оғзаки савол-жавоблар (блитс сўровлар, ақлий ҳужум) ўтказиш ҳамда интерфаол методлар (case study, BBB, Балиқ скелети)дан фойдаланиш самарали деб ҳисоблашган. Ёш профессор-ўқитувчилар (25-35 ёш) гуруҳининг 31 фоиз мустақил таълим топшириқларини амалиёт ҳамда эмпирик таҳлил жараёнлари билан боғловчи методлардан фойдаланиб ташкиллаштириш зарурлигини такидлашмоқда.

6. Мустақил таълим учун ажратилган вақтдан талабалар қанчалик самарали фойдаланмоқда, сизнингча?

Профессор-ўқитувчиларнинг фикрига кўра, олий таълим массасалари талабаларининг 32,9 фоиз мустақил таълим вақтларидан деярли фойдаланишмайди, 43,2 фоиз талаба қисман фойдаланса, 23,9 фоизи мустақил таълим вақтларидан унумли фойдаланаётганини таъкидлаш-

ган. Ўқув жараёнида мустақил таълимнинг аҳамияти пастлиги талабаларнинг унга бўлган эътиборсизлигига олиб келаётгани кўриш мумкин.

Профессор-ўқитувчилар талабаларни мустақил таълим вақтларида самарали фойдаланиши учун қуйидаги таклифларни беришган:

Олий таълим муассасалари талабалар мустақил таълим вақтларини амалиётга боғлаш ва корхоналарда ташкил этиш;

Олий таълим муассасасида йўналишлар хусусиятидан келиб чиқиб турли хил клублар ташкил этиш;

Талабалар мустақил таълим учун ажратилган мавзулар устида ишламайди. Агар ушбу мавзуларни оралиқ ва якуний назорат саволларига қўшган ҳолда бериб борсак, ўзларининг натижаларини кўриб, ўзлаштиришга мажбур бўлади, акс ҳолда, ёзги ўқишга қолади, ундан ҳам қолса, янаги йил қайта ўқишига тўғри келади.

ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ

Сўровномада талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўйича қуйидаги саволлар орқали мурожжат қилинди:

1. Талабаларнинг мустақил таълими натижаси ўқитувчи томонидан баҳоланиши қанчалик тўғри?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 81,9 фоизи *“Мустақил таълимни баҳолаш талабаларнинг таълим натижаларини назорат қилиб, таълимдаги сифатни кафолатлайди”,* деб жавоб берган бўлса, 18,1 фоизи *“Ўқитувчи мустақил таълимни баҳолашда субъективликка йўл қўяди, баҳолаш ўқув-платформаларида бўлиши керак”,* деб фикр билдирган.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИ НАТИЖАСИ ЎҚИТУВЧИ ТОМОНИДАН БАҲОЛАНИШИ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?



Талабаларнинг аксарият қисми мустақил таълимни баҳолаш ва назорат қилиш орқали таълим сифати кафолатланишини таъкидлашмоқда. Талабалар мустақил таълим вақтларида олган билимлари тўғри ва адолатли баҳоланиши ҳамда унинг рағбатлантирилиши талабаларда мустақил таълим вақтларидан самарали фойдаланишлари учун катта мотивация яратади.

2. Мустақил таълим топшириқлари/мавзулари ким томонидан танланиши лозим?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 23,7 фоизи *"Ўқитувчи талабаларга фандаги долзарб мавзуларни тақсимлаб бериши керак",* 35,9 фоизи *"Талаба ўз қизиқишларидан келиб чиққанҳолда мавзу таклиф қилиши керак",* 39,3 фоизи *"Талаба ўз қизиқишларидан келиб чиқиб ўқитувчи таклиф қилган мавзулар банкидан танлаши керак",* деб фикр билдиришган.

Хориж ва маҳаллий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мустақил таълим мавзулари профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилади. Ўтказилган сўровнома бу борада талабаларнинг фикрлари турличалигини кўрсатмоқда. Мазкур жараённинг шаффофлигини таъминлаш талабаларнинг мустақил таълим вақтларида эркин ҳаракат қилиши ва тадқиқот жараёнида кенг қамровли ҳаракатини таъминлайди.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИ/МАВЗУЛАРИ КИМ ТОМОНИДАН ТАНЛАНИШИ ЛОЗИМ?



3. Мустақил таълим топшириқларини қабул қилиш учун алоҳида контакт соатлари белгиланиши керакми?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 45,2 фоизи *"Ҳа, чунки семинар дарсларида маъруза мавзуларини ўзлаштирганлик текширилади",* 33,4 фоизи *"Йўқ, мустақил таълим мавзулари ва адабиётлар рўйхати ўқитувчи томонидан талабага ўқув йилининг бошида тақдим этилиб, унинг ўзлаштирилганлиги оралиқ/якуний назоратларда баҳоланиши керак",* 21,4 фоизи *"Семинар дарсларида маъруза мавзулари бўйича саволлар бўлиб, якуний назорат мустақил таълим мавзуларини ўзлаштирилганлигини текшириш вазифасини бажариши керак",* деб фикр билдирган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН АЛОҲИДА КОНТАКТ СОАТЛАРИ БЕЛГИЛАНИШИ КЕРАКМИ?



Мазкур саволга берилган жавоблар талабалар ва профессор-ўқитувчилар фикр-мулоҳазаларининг бир хиллигини кўрсатмоқда.

4. Мустақил таълим топшириқларини бажариш фан кредитини йиғишда аҳамиятга эга бўлиши керакми?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 62,1 фоизи *“Ҳа, чунки талабанинг асосий вақти мустақил таълим олишга сарфланади, бу қисм бажарилмаслиги фаннинг етарлича ўзлаштирилмаганлиги билан тенг”,* деб жавоб берган бўлса, 37,9 фоизи *“Йўқ, кредитлар ўқитувчи тўлиқ назорат қила оладиган контакт соатларига қараб белгиланиши керак. Мустақил таълим натижалари жорий/оралиқ/якуний назоратларда баҳоланади”,* деб фикр билдирган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ФАН КРЕДИТИНИ ЙИҒИШДА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАКМИ?



5. Мустақил таълим топшириқлари шакли гуруҳ учун бир хил бўлиши қанчалик тўғри?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 60,9 фоизи *“Адолатли, чунки барча бир турдаги топшириқни бажаришга ҳаракат қилади ва бунда гуруҳда бир хил кўникмалар шаклланади”,* деб жавоб берган бўлса, 39,1 фоизи *“Нотўғри, чунки топшириқлар талаба шахсининг ин-*

дивидуал имкониятларидан келиб чиқиб белгиланиши керак, бу уни шахсий ривожланишга олиб боради", деб фикр билдирган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИ ШАКЛИ ГУРУҲ УЧУН БИР ХИЛ БЎЛИШИ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?



Мустақил ўқув топшириқлари шакли гуруҳ учун бир хил бўлсин деган танлов мутлақо тўғри эмас. Ўқитувчи ёки муассаса томонидан белгиланган муайян кўрсатмалар ёки талаблар бўлса-да, мустақил таълим топшириқларининг ўзига хос шакли ва мазмуни бир қатор омилларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Мустақил таълим топшириқлари шаклига таъсир этувчи омиллардан бири ўрганилаётган мавзудир. Турли соҳаларда тадқиқот қандай ўтказилиши ва топилмалар қандай тақдим этилиши ҳақида турлича қарашлар бўлиши мумкин. Масалан, ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқот иши табиий фанлар соҳасидаги лаборатория ҳисоботидан бошқа форматни талаб қилиши табиий.

Мустақил таълим топшириқлари шаклига таъсир кўрсатадиган яна бир омил бу — талабанинг билим даражаси. Бакалавриат талабалари учун топшириқлар магистрантлар учун топшириқлардан фарқ қилиши мумкин, чунки магистратура босқичидаги ишлар кўпинча илғор тадқиқот кўникмаларини ва юқори даражадаги танқидий таҳлилни талаб қилади.

Бундан ташқари, ўқитувчилар мустақил таълим топшириқлари қандай тузилиши кераклиги ҳақида ўз қарашларига эга бўлиши керак. Баъзилар махсус форматлаш ёки иқтибос услубларини талаб қилар, бошқалари эса бу соҳаларда кўпроқ мослашувчанликни таъминлаши мумкин.

6. Талабалар мустақил таълимини олий таълим муассасалари/ўқитувчилар қандай назорат қилишлари мумкин?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 65 фоизи *"Ўқув-платформалар орқали. Мустақил таълим мавзулари бўйича савол ва топшириқлар платформаларга жойлаштирилади",* 27,2 фоизи *"Мустақил*

таълим натижаларини баҳолашучун қўшимча контакт соатларини жорий қилиш орқали”, деб жавоб берган бўлишса, 7,7 фоизи бошқа фикрларни билдирган.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ/ЎҚИТУВЧИЛАР ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШЛАРИ МУМКИН?



Олий таълим муассасалари ва ўқитувчилар талабаларнинг мустақил таълимини турли усуллар орқали кузатиши мумкин. Энг самарали усуллардан бири талабалардан ўз тадқиқотларини ўтказишлари ва натижаларини тақдим этишларини талаб қиладиган мустақил лойиҳалар ёки тадқиқот ишларини топширишдир. Бу ўқитувчиларга талабалар томонидан олиб борилаётган тадқиқот сифатини, шунингдек, маълумотларни таҳлил қилиш ва синтезлаш қобилиятини баҳолаш имконини беради.

Мустақил таълимни назорат қилишнинг яна бир йўли — онлайн мунозара форумлари ёки блоглар орқали талабалар маълум бир мавзу бўйича ўз фикр ва ғояларини баҳам кўришлари мумкин. Ўқитувчилар ушбу форумларни кузатиб боришлари ва муҳокамалар сифати ҳақида фикр билдиришлари, шунингдек, ўқувчиларнинг материал билан қанчалик яхши шуғулланишларини баҳолашлари мумкин.

Бундан ташқари, ўқитувчилар ўқувчиларнинг материални қанчалик яхши тушунганликларини ва уни янги контекстда қўллай олишларини аниқлаш учун викториналар ёки қисқа ёзма топшириқлар каби формативбаҳолашлардан фойдаланишлари мумкин. Ушбу баҳолашлар талабаларга қўшимча ёрдам ёки йўл-йўриқ керак бўлган соҳаларни аниқлаш учун ишлатилади.

7. Сизнинг олий таълим муассасангизда мустақил таълимни баҳолаш қандай амалга оширилади?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 72,8 фоизи *“Семинар дарсларида мустақил топшириқни ҳимоя қиламан”,* деб жавоб берган бўлса, 27,2 фоизи *“Мустақил таълим топшириқларини бажариб, ўқитувчимга платформадан жўнатаман”,* деб фикр билдирган.

СИЗНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАНГИЗДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?



Талабалар томонидан берилган жавоблардан кўриниб турибдики, семинар машғулотлари мустақил таълим топшириқлари баҳоланадиган майдон бўлиб қолган.

Олий таълим муассасаларидаги семинар машғулотлари талабалар ўртасида фаол ўрганиш, танқидий фикрлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган тарзда ўтказилиши керак. Семинар машғулотларининг муваффақиятли ўтишини таъминлаш учун қуйидаги илғор тажрибаларга амал қилиш мумкин:

1. Талабаларнинг иштирокини рағбатлантириш: Семинар машғулотлари ўқувчиларни мунозара ва тадбирларда фаол иштирок этишга ундаш учун мўлжалланган бўлиши керак. Бунга дарс олдидан ўқишлар ёки ўқувчилар семинарга боришдан олдин бажаришлари керак бўлган топшириқларни белгилаш орқали эришиш мумкин. Бу уларнинг материал билан шуғулланишга тайёр бўлишини таъминлайди.

2. Ҳамкорликдаги ўқув муҳитини шакллантириш: Семинар машғулотлари ўқувчиларга тенгдошлари билан ҳамкорликда ишлаш имкониятини бериши керак. Буни талабаларга умумий мақсад сари биргаликда ишлашни талаб қиладиган гуруҳ лойиҳалари ёки тадбирларни белгилаш орқали амалга ошириш мумкин.

3. Фикр-мулоҳаза ва баҳолашни тақдим этиш: Семинар машғулотлари ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш ва яхшилаш йўналишларини аниқлашга ёрдам берадиган мунтазам баҳолаш ва қайта алоқа меха-

низмларини ўз ичига олиши керак. Буни викториналар, тенгдошларни баҳолаш ёки ўз-ўзини акс эттириш каби формативбаҳолашлар орқали амалга ошириш мумкин.

4. Технологиядан самарали фойдаланиш: Технологиядан онлайн ресурсларга киришни таъминлаш, гуруҳ ишини осонлаштириш ёки шахсан қатнаша олмайдиган талабалар учун масофадан туриб иштирок этишни таъминлаш орқали семинар тажрибасини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин.

5. Хавфсиз ва инклюзив муҳит яратиш: Семинар машғулотлари хилма-хиллик, тенглик ва инклюзивликни тарғиб қиладиган тарзда ўтказилиши керак. Бунга ҳурматли мулоқот учун асосий қоидаларни ўрнатиш, турли нуқтаи назарларни тан олиш ва қадрлаш ҳамда барча ўқувчилар иштирок этишда ўзларини қулай ҳис қиладиган хавфсиз майдон яратиш орқали эришиш мумкин.

8. Мустақил таълимни баҳолаш шаклини [топшириқ тури (лойиҳа, тадқиқот), шакли (аудио, видео, ёзма), гуруҳ ёки якка ҳолда бажариш] сизнинг иштирокингизда танлаш ўқув фаолиятингизга таъсир қиладими?

Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 70,6 фоизи *“Ҳа, мен ўзим учун қулай ўқув муҳитини шакллантириш имконига эга бўлиб, ўз потенциалимни тўлиқроқ кўрсатиб бераман”*, деб жавоб берган бўлса, 29,4 фоизи *“Бу омиллар эгаллаган билим даражамни кўрсатишда менга ноқулайликлар туғдирмайди”,* деб фикр билдирган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ ШАКЛИНИ [ТОПШИРИҚ ТУРИ (ЛОЙИҲА, ТАДҚИҚОТ), ШАКЛИ (АУДИО, ВИДЕО, ЁЗМА), ГУРУҲ ЁКИ ЯККА ҲОЛДА БАЖАРИШ] СИЗНИНГ ИШТИРОКИНГИЗДА ТАНЛАШ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНГИЗГА ТАЪСИР ҚИЛАДИМИ?



Мустақил таълимни баҳолаш шаклини танлаш таълим самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар хил топшириқ турлари, шакллари, гуруҳ ёки индивидуал чиқишлар ўқувчиларнинг материал билан шуғулланиши, маълумотни қайта ишлаш ва ўз тушунчаларини кўрсатишга таъсир қилади.

Таълим самарадорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллардан бири топшириқ туридир. Масалан, лойиҳалар ўқувчилардан билимларни амалий шароитда қўллашни талаб қилиши мумкин, бу эса уларнинг материални тушунишини чуқурлаштиради. Тадқиқот топшириқлари талабалардан танқидий фикрлаш ва таҳлил қилишни талаб қилиши мумкин, бу уларнинг ахборотни баҳолаш ва хулоса чиқариш қобилиятини оширади.

Яна бир омил бу — баҳолаш шакли. Аудио ёки видео топшириқлар баъзи талабалар учун ёзма топшириқлардан кўра кўпроқ қизиқарли бўлиши мумкин, бу уларга маълумотни янада самарали сақлашга ёрдам беради. Бошқа томондан, ёзма топшириқлар ёзиш кўникмаларини ривожлантириш ёки маълум бир мавзуни ўзлаштиришни кўрсатиш учун кўпроқ мос келади.

Гуруҳ ёки индивидуал чиқишлар ҳам таълим самарадорлигига таъсир қилиши мумкин. Гуруҳ иши ҳамкорлик ва тенгдошларни ўрганиш имкониятини бериши мумкин, индивидуал иш эса ўқувчиларни ўзларининг кучли ва заиф томонларига чуқурроқ эътибор беришга ундайди.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўқитувчилар мустақил таълимни баҳолаш янада самарали ташкил этилиши учун талабаларнинг замонавий компетенцияларни шакллантирганликларига, уларда ижодий, танқидий, таҳлилий фикрлаш билан бир қаторда мустақил изланиш, ўз фикрини эркин баён қила олиш, мавзу доирасида изланиш ва маълумотларни гуруҳлаш каби қобилиятларнинг ривожлантирилганлик даражасига қараб баҳолаш ва бунда интерфаол методлардан фойдаланиш таклифлари берилган.

Замонавий таълим платформаларидан кенг фойдаланиш ҳам назоратни кучайтирувчи усул сифатида кўплаб профессор-ўқитувчилар томонидан маъқулланган. Платформаларга юкланган вазифаларнинг талаба томонидан кўчириб олинишига йўл қўймасликда антиплагиат дастурларидан ёки семинар машғулотларида блиц-сўров методларидан фойдаланиш таклифлари берилган. Бу таклифни қўллаб-қувватловчи таълим ёндашувига мисол сифатида **“Blended learning” (аралаш таълим)** келтирилган.

Дарҳақиқат, аралаш таълим қоидасига биноан талаба шахсий ўзлаштириш тезлиги ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, мавзуни



ўзлаштиришда шахсий таълим траекториясини тузиб, берилган топшириқларни онлайн бажаради. Келгуси дарсларда ўқитувчи талабаларнинг хатоларига қараб тезкор тушунтиришлар беради.

Ўрта ёш қатламини ташкил қилувчи профессор-ўқитувчиларнинг фикрларининг таҳлили мустақил вазифа сифатида фанга доир долзарб мавзулардан бирида тезис ва мақолалар ёзиш, илмий нашр учун мавзу доирасида тадқиқот ўтказиш ва уни essay кўринишида ўқитувчига тақдим қилиш самарали усуллар сифатида қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, ўқитувчилар мустақил таълим мавзуларига доир саволларни оралиқ ҳамда якуний назорат саволларига қўшишни таклиф қиладилар. Бу ёндашув мантиқий асосга эга. Чунки жорий баҳолаш семинар машғулотларида бўлиб, талабанинг фан дастурида келтирилган мавзуларни қай даражада ўзлаштириб бораётганини мунтазам назорат қилади. Оралиқ ҳамда якуний назоратларда талабанинг фан бўйича ўзлаштириши кутилган барча мавзулар кесимида саволлар тузилиши фан кредитини тўплаши ҳамда мустақил таълимга жиддийроқ қарашига асос бўлади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бўлим мутахассислари томонидан ушбу жараённинг хориж таҳрибаси ҳам ўрганилиб таҳлил қилинди ҳамда профессор-ўқитувчиларимиз томонидан билдирилган таклифлар хорижий таълим муассасалари синовидан муваффақиятли ўтганлигига гувоҳ бўлдик. Бугунги кунда масала ечими сифатида хориж тажрибасида қуйидаги уч ёндашувдан фойдаланилмоқда:

1. Мустақил таълимни баҳолашни оралиқ-якуний назоратлар мазмунига интеграциялаш;

2. Виртуал таълим маконларидан фойдаланиш;

3. Компетенцияга асосланган баҳолаш.

Виртуал таълим маконларидан фойдаланиш ёндашуви. Буюк Британиянинг Йорк университетида (University of York, 2023 йил QS дунё университетлар рейтингида 1201-1500-ўрин) талабаларнинг модуль доирасидаги мустақил таълими сифатини ўрганишда виртуал таълим олиш муҳитидан (**VLE-virtuallearning environment**) кенг фойдаланилади. ВТМлар (виртуал таълим муҳити/макони) ҳар бир модуль учун ўқитувчи томонидан киритилган “кўрсатмалар қатлами” (instructional laer) вазифасини бажарибгина қолмай, ушбу онлайн саҳифа орқали ўқитувчи талаба билан асинхрон мулоқот ўрнатиш, модулга доир эълонлардан талабаларни бохабар қилиш имкониятига эга. Сайтни бу шаклда лойиҳалаш талабаларни аниқ йўл харитаси “road map” билан таъминлайди. Ушбу йўл харитаси талабаларни асинхрон таълим ресурслари ҳамда машғулотлар билан мустақил таълимларини самарали амалга оширишларини назорат қилиб боради. Университетда баҳолаш метод ва мезонлари ҳар 1 йилда қайта кўриб чиқилади.

Манчестер университетининг (Manchester university, 2023 йилги QS дунё университетлари рейтингида 54-ўрин) виртуал таълим маконида оралиқ ҳамда якуний назоратларда ишлатилиниши мумкин бўлган ўқув материаллари, антиплагиат хизмати ва баҳолаш тизими, ўқув адабиётлар рўйхати, мобил таълим олиш ва ўқитувчи ҳамда талабалар билан



биргаликда ишлаш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар талабаларнинг мустақил таълим қисмини самарали ташкил этишларида кўмаклашади. Сўровнома қатнашувчилари маълумотларига қараганда бу ёндашувдан мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг 27 фоиз қисми фойдаланишмоқда ва бу ҳолат қониқарсиз эканлигидан далолат беради. Шунингдек, мустақил таълимни назорат қилишга доир саволга билдирилган таклифларнинг 65 фоизи ўқув платформаларидан кенг фойдаланишни қўллаб-қувватлайди.

Компетенциявий баҳолаш. Буюк Британиянинг олий таълимда кредит тизимини жорий этишга доир қўлланмасида қайд этилишича, талабаларнинг ўқув модулларини баҳолашда модуль учун минимал талаб сифатида белгиланган “ўқув натижалари”, яъни эгалланиши кутилган билим, кўникма ҳамда малакаларга таянилади. Бунда 1 модуль учун ўқитувчи бошчилигидаги дарслар ҳамда мустақил таълим қисми учун алоҳида ўқув натижалари белгиланади ва баҳоланади. Ҳар бир модуль учун баҳолаш методлари танланаётганда ўқитувчи талабага мустақил тайёргарлик учун ажратилган вақт билан бир қаторда, шу мустақил бажариш топшириғи талабадан талаб қиладиган вақтини инобатга олиши зарур. Мисол учун, мавзу доирасида тақдимот тайёрлаган ва 15 дақиқада ўз ишини ҳимоя қилиши кутилган талаба ушбу вазифани бажариш учун 6 соат вақт сарфлайди. Ёки ўз изланишлари натижасини 1500 сўздан иборат иншо сифатида тайёрлаган талаба бу

иншони ёзишда маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва иншо кўринишига келтириш учун 11 соат шуғулланади. Талабанинг мустақил таълим соатлари унга берилаётган топшириқнинг бажарилиши талаб этадиган соатлар билан мос бўлиши ўқитувчи томонидан кафолатланиши зарур.

Малака талабларида келтирилган умумкасбий ҳамда касбий компетенциялар Буюк Британия ҳамда Европа мамлакатлари университетларида ўқув модуллари кесимида тақсимланади. Модуль учун белгиланган компетенциялар эса, модуль мавзулари учун бириктирилади. Ҳар бир ўқув мавзуси маълум бир касбий ёки умумкасбий компетенцияни шакллантиришни ўқув мақсади деб олади. Мавзунинг ўзлаштирилганлиги ҳам айнан ўқув натижаларида келтирилган мезонлар (компетенциялар)га жавоб берганлик даражаси билан баҳоланади.

Ушбу методдан ҳозирги кунда Ковентри университетининг (Coventry university, 2023 йилги QS дунё университетлари рейтингида 801-1000-ўрин) “Маркетинг ва реклама” (Marketing and advertitsiment), Лондон Империал коллежининг (Imperial College London, 2023 йилги QS дунё университетлари рейтингида 6-ўрин) “Ривожланган киберхавфсизлик” (Advanced syber security) магистратура мутахассисликлари ва Ғарбий Англия университетининг (University of The West of England, 2023 йилги QS дунё университетлари рейтингида 401-500-ўрин) “Ечимга йўналтирилган терапия” (Solution focused therapy) бакалавр таълим йўналишида кенг фойдаланилмоқда.

Мустақил таълимни баҳолашда ўқув натижаларини умумий ва умумкасбий компетенциялар ҳар бир фан мавзусига бириктириш методидан фойдаланишга сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 68,5 фоизи *“Ижобий, чунки мустақил таълимда айнан қайси компетенцияларни шакллантириш кераклиги аниқ белгиланади. Бу баҳолаш мезони вазифасини ҳам ўтайди”,* 19,5 фоизи *“Ижобий, аммо талабаларга баҳолаш нимага асосланган ҳолда амалга оширилаётганини тушунтириш ишларини олиб боришга зарурат туғдиради”,* деган жавоб вариантларини танлади. Бу ёндашувдан фойдаланишга нисбатан салбий муносабат 12 фоиз профессор-ўқитувчилар томонидан баҳолаш жараёни қўшимча вақт ва куч талаб қилиши билан изоҳланди.

ОРАЛИҚ-ЯКУНИЙ НАЗОРАТЛАР МАЗМУНИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ

Оралиқ ва якуний назорат имтиҳонлари талабаларнинг мустақил таълим жараёнида олган билимларини назорат қилиш учун етарли эмас. Бу имтиҳонлар талабанинг курс бўйича ўтилган материални тушуниши ҳақида қисқача маълумот бериши мумкин бўлса-да, улар талабанинг мустақил таълим жараёнида олган билимларининг чуқурлиги ва кенглигини акс эттирмайди.

Мустақил таълим талабаларга мавзуларни чуқурроқ ва ўз тезлигида ўрганиш имконини беради. Шунингдек, бу уларга дарсда ёритилмайдиган қизиқиш соҳаларини тадқиқ қилиш имконини беради. Бироқ бу турдаги ўрганишни анъанавий имтиҳонлар орқали баҳолаш қийин.

Талабаларнинг мустақил таълим жараёнида олган билимларини чинакам ўлчаш учун баҳолашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш керак. Масалан, лойиҳалар, иншолар, тақдимотлар ва портфолиолар ўқувчининг мавзу бўйича тушунчасини янада тўлиқроқ кўрсатиш имконини беради. Бу баҳолашлар мустақил таълимнинг аниқ ўқув мақсадларига ҳам мослаштирилиши мумкин.

Қолаверса, шуни таъкидлаш керакки, мустақил таълим фақат билим олишдан иборат эмас. Шунингдек, у талабаларга вақтни бошқариш, ўзини ўзи бошқариш ва танқидий фикрлаш каби кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Ушбу кўникмаларни фақат имтиҳонлар орқали баҳолаш қийин.

Оралиқ/якуний назоратларни баллик тизим асосида талабаларнинг мустақил таълимда эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш механизмидан Россияда, жумладан, Екатеринбургдаги Урал Федерал университетида (Уральский Федеральный университет, World University Rankings 2023, 1201-1500) кенг фойдаланилади. Талабаларнинг мустақил таълимини баҳолашда баллик баҳолаш тизимидан фойдаланиш Россиялик олимлар томонидан эътироф этилади. Баллик тизим талабанинг мустақил таълим олиш жараёнида ўқув режада белгиланган **“билим”, “кўникма”** ҳамда **“малака”**ларни эгаллаганлик даражасини оралиқ/якуний назоратларда баҳолаш имконини беради. 100 баллик тизимда талаба нафақат мустақил таълимда, балки маъруза ва семинар дарсларида эгаллаган билимлари ҳам баҳоланади. Таълим жараёнининг асосий мақсади талабада зарурий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Бунда:

1. Билим, кўникма ва малаканинг ҳар бирини баҳолаш учун 100 балл белгиланади.

2. Билим, кўникма ва малакани баҳолашда буларнинг ҳар бири учун талаб мезонлари аниқланади.

3. Ҳар бир баҳолаш компоненти учун ажратилган балл миқдори қайд этилади

4. Талабанинг ҳар бир компонентдан тўплаган бали умумлаштирилади

5. Жами балл 3 га бўлинади.

Билимларни баҳолашда эътибор қаратиладиган элементлар:

1-жадвал

1.1 Билимларнинг тўлиқлиги	Ўқув дастури талабларига жавоб берувчи тўлиқ билимга эга, хатолар оз ва улар талабанинг ўзи томонидан тўғриланса — 25 балл. Ўқув дастури талабларига жавоб берувчи тўлиқ билимга эга, хатолар оз ва улар талабанинг ўзи томонидан ўқитувчи камчиликларни таъкидлаганидан сўнг тўғриланса — 15 балл. Билим ўқув дастури талабларига жавоб берадиган даражада тўлиқ эмас, хатолар кузатилади ва улар ўқитувчи томонидан тўғриланса — 10 балл. Хатолар мунтазам кузатилади. Талаба ўқитувчи ёрдамида ҳам хатоларни тўғрилашга муваффақ бўлмайди — 0.
1.2 Билимларнинг тизимлилиги	Маълумотлар жойлашуви тизимли, илмий жараёнлар қонун-қоидаларини тушуниш, фанлараро атамаларнинг тизимини ўзлаштириш — 25 балл. Маълумотлар жойлашуви тизимли, етакчи илмий ғояларни тушуниш, фанлараро боғлиқлик моҳиятини англаш — 15 балл. Алоҳида назарий тушунчаларнинг асосий моҳиятини тушунтира олиш, далилларга ҳаётий боғлиқликсиз тасниф бериш —10 балл. Тушунчалар доирасидаги билим (фан соҳаси) — 0 балл.
1.3 Билимларнинг чуқурлиги	Мавзуни анализ ва синтез ёрдамида муҳим хусусиятларини кўрсатиб бериш, хулоса қила олиш ва умумлаштириш — 25 балл. Мавзуни анализ ва синтез ёрдамида муҳим хусусиятларини кўрсатиб бериш, хулоса қила олиш ва умумлаштириш, кичик хатоларга йўл қўйиш — 15 балл. Ўрганилган мавзунинг муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш, хулосалаш ва умумлаштиришда қийналиш — 10 балл. Тасодифий жиҳатларни таъкидлаш, хулоса қила оломаслик, умумлаштира олмаслик — 0 балл.

1.4 Билимларнинг оперативлиги	Эгалланган билимлар қўлланилиши мумкин бўлган вариатив вазиятларни мустақил мисол қила олиш — 25 балл. Ўқитувчининг йўналтирувчи саволларига таянган ҳолда эгалланган билимлар қўлланилиши мумкин бўлган вариатив вазиятларни мисол қила олиш — 15 балл. Эгалланган билимлар қўлланилиши мумкин бўлган вариатив вазиятларни мисол қилишда қийналиш — 10 балл. Эгалланган билимлар қўлланилиши мумкин бўлган вариатив вазиятларнинг мисоли келтирилмаса — 0 балл.

Кўникмаларни баҳолашда эътибор қаратилинадиган элементлар:

2-жадвал

2.1 Муаммони аниқлаш	Ўқув материалидаги бир-бирига зид маълумотларни аниқлаш, муаммони мустақил аниқлаш — 50 балл. Ўқитувчининг йўналтирувчи саволларига таянган ҳолда, ўқув материалидаги бир-бирига зид маълумотларни аниқлаш, муаммони аниқлаш — 35 балл. Ўқув материалидаги бир-бирига зид маълумотларни аниқлаш, муаммони аниқлаш фақат ўқитувчининг ёрдамига таяниб бажарилади — 20 балл. Талаба бир-бирини инкор қилувчи маълумотларни аниқлай олмайди — 0 балл.
2.2. Мақсадга мос муаммони ечиш восита ва йўлларини танлаш	Ўргатилган (фан доирасида, фанлараро) фаолият ёндашувларини танлаш ва улардан тўғри фойдаланиш, вазифа мустақил ва ижодий ёндашган ҳолда бажарилади — 50 балл. Ўргатилган (фан доирасида) фаолият ёндашувлари мустақил қўлланилади — 35 балл. Фаолият ёндашувларини танлашда ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари кўмаклашади — 20 балл. Фаолият ёндашуви танланмайди — 0 балл.

Малакаларни баҳолашда эътибор қаратилинадиган элементлар:

3-жадвал

3.1 Мустақил баҳолай олиш	Талаба ўз баҳолаш ҳукмларини асослай олади, исботлайди, ўз фикрини олға суради ва унда қатъий бўлади — 50 балл. Талаба ўз баҳолаш ҳукмларини тушунтиради, исботлайди, ўз фикрини олға суради — 35 балл. Талаба ўз баҳолаш ҳукмларини тушунтиради — 20 балл. Баҳолаш ҳукмлари мавжуд эмас — 0 балл.

3.2 Фаолият натижасини кўра билиш	Муаммоли ёндашув, фикрлаш шакллари, далиллашлардан фойдаланиб, материални мантиқий ифодалаш/тақдим қилиш — 50 балл Фикрлаш шакллари ва далиллаш усулларидан фойдаланиб материални мантиқий баёни — 35 балл Баён этишда мантиқ қонун-қоидалари қисман бузилган, материални репродуктив баёни кузатилади — 20 балл Мантиқ қоидаларига амал қилинмаган — 0 балл

Қуйидаги жадвал асосида юқорида келтирилган баҳолаш критерияларидан фойдаланиш йўли кўрсатилади:

4-жадвал

№	ФИШ (талаба)	3.1.1	3.1.2	3.1.3	3.1.4	2.1	2.2	3.1	3.2	Кўрсаткичлар йиғиндиси	Натижа
1	Асадов Х.	25	25	15	15	30	30	20	30	190:3	63,3
2	Луқмонов К.	15	25	25	25	50	30	50	30	250:3	84
3	Саидова Х.	10	10	10	10	20	20	20	20	120:3	40

Ҳисоблаш формуласи: $B_i = S_{kk} : n$

Бу ерда:

B_i — натижавий оралиқ/якуний баҳоси

S_{kk} — баллар йиғиндиси

n — баҳоланувчи элементлар сони (бизда, билим, кўникма ҳамда малака баҳоланганлиги боис, $n = 3$)

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ШАКЛ, ВАЗИФА ВА ДАРАЖАЛАРИ

Талабанинг таълим олиш шакли ва туридан қатъи назар, мустақил таълим таълим жараёнининг мажбурий ва аҳамиятли қисми ҳисобланади.

Мустақил таълим олиш учун талабаларнинг тайёргарлик даражаси талаб даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу борада талабалар 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи тоифага мансуб талабалар мустақил таълим олиш ва топшириқларни мустақил бажаришда зарурий бўлган барча кўникма ва қобилиятларга эга бўладилар. Иккинчи тоифага кирувчи талабалар мавзуни мустақил ўзлаштириш, ўрганиш ва топшириқларни бажаришда тажрибали шахснинг кўрсатмасига эҳтиёж сезадилар.

Ўқув жараёни доирасидаги мустақил таълим қуйидаги масалаларни муваффақиятли ҳал қилади:

– талабаларнинг анъанавий тарзда ва синфдан ташқарида эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, уларни ақлий ва жисмоний фаолиятдаги стереотипга айлантириш;

– ўқув режадаги фанлар бўйича қўшимча билим ва кўникмаларни эгаллаш;

– илмий тадқиқот олиб бориш билан боғлиқ бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

– таълим дастурини тўқлиқ ўзлаштиришга нисбатан масъулият ва йўналтирилганликни кучайтириш;

– ўқув жараёнини мустақил ташкил этиш кўникмасини ривожлантириш;

– мустақил фикр юритиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини-ўзи баҳолаш ва англаш қобилиятларини шакллантириш;

– самарали мустақил касбий, назарий, амалий ва илмий тадқиқот фаолияти кўникмаларини ривожлантириш.

Мустақил таълим топшириқларининг реализацияси ва амалга оширилиши учун университет томонидан қатор шартлар таъминланиши зарур:

– моддий-техник базанинг мавжудлиги;

– талабаларнинг мустақил ишлаши учун зарур бўлган информацион фонднинг мавжудлиги ва у билан синфда ва аудиториядан ташқари вақт ишлаш имконияти;

– муайян вазифаларни бажариш учун хоналарнинг мавжудлиги;

– мустақил таълим топшириқларининг ўқув фанлари билан боғлиқлиги, топшириқларни беришда мустақил таълим учун ажратилган вақтнинг инобатга олиниши;

– талабаларнинг мустақил топшириқларига киритилган вазифалар мазмунининг асослилиги;

– талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш кўникмалари ва универсал таълим компетенцияларини ривожлантириш;

– топшириқларнинг ҳар бир бажариш босқичлари ўқитувчилар томонидан қўллаб-қувватланиши, ўқув натижаларининг жорий ва якуний натижаси аниқланиши.

Замонавий таълим жараёнида мустақил таълимни ташкил этишнинг асосий тамойиллари*:*

– таълимнинг интерактивлиги тамойили — талабанинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва зарурий кўрсатмалар бериш билан коррекциялашда ёрдам берувчи интерактив диалог ва қайтар алоқани таъминлаш;

– талабанинг интеллектуал потенциалини ривжлантириш тамойили — фикрлашнинг алгоритмик, кўргазмали, назарий стилларини шакллантириш, мураккаб вазиятларда оптимал ёки вариатив қарорлар

қабул қила олиш, маълумотларни қайта ишлаш каби қобилиятларни ривожлантириш;

– ўқитишнинг дидактик циклининг яхлит ва узлуксизлигини таъминлаш — мавзу, модуль, фан доирасидаги билимларни эгаллаш имкониятини яратиш.

Мустақил таълим синфланиши:

1) ташкил қилиш жараёнига ҳудудий жиҳатдан қараганда: Аудитория — синф хонасидаги ва ундан ташқаридаги мустақил таълим;

2) ташкил этиш мақсадлари бўйича: Ўқув режада мавжуд барча фанлар мақсадлари билан мос;

3) ташкил этиш усуллари бўйича: индивидуал, гуруҳли;

4) талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг шакли (индивидуал, гуруҳли) ўқув фанининг мазмуни ва дарс тури (маъруза, семинар, амалий, назорат дарси)га қараб белгиланади.

Мустақил таълим топшириқларини кўриб чиқамиз:

1. Намунага асосланган мустақил таълим топшириқлари — мустақилликнинг паст даражаси. Талабага маълум бўлган ечим усулини фан доирасидаги бошқа бир аналогик вазиятда қўллашни талаб қилади. Бу ишлар дастлаб ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилган “аниқ алгоритмлар” асосида амалга оширилади. Бу ҳолатда таълим олувчининг барча ҳаракатлари мустақил фаолият усуллари мажмуасини ўзлаштиришга қаратилади.

2. Реконструктив — вариатив бўлган мустақил таълим топшириқлари — мустақилликнинг бошланғич даражаси. Кундалик вазиятларда онгли англаган ҳолда эгаллаган билимларни қўллай олиш, ҳодиса, жараён ва далилларни таҳлил қилиш, талабаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув-когнитив жараённинг метод ва ёндашувларини шакллантиради.

3. Эвристик мустақил таълим топшириқлари — мустақилликнинг ривожланган даражаси. Талабаларда ижодкор шахсни шакллантиришга ёрдам беради. Бу турдаги топшириқларни бажаришда доимий тарзда янги ечимлар изланади, эгаллаган билимлар тизимлаштирилади ва умумлаштирилади.

4. Фанлараро ва фан доирасидаги тадқиқот ишлари — мустақилликнинг юқори даражаси. Мустақил таълим топшириқлари тизими ичида энг юқори ўринда туради. Бу турдаги мустақил таълим топшириқларини бажариш учун талаба билим ва ечим усулларини бошқа фан ва соҳаларда қўллаш, мустақил равишда янги ечим йўлларини топиш ва бунда аввалги билимларини мавжуд вазиятга модификациялаш (мослаштириш) қобилияти талаб этилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Индивидуал/гуруҳли лойиҳа

1. Лойиҳанинг лойиҳалаш контекстига мос келиши:

– лойиҳа лойиҳалаш контекстига мос келади;

– лойиҳа лойиҳалаш контекстига қисман мос келади; 2 мартадан кўп бўлмаган тузатиш;

– лойиҳа лойиҳалаш контекстига қисман мос келади; 4 мартадан кўп бўлмаган тузатиш;

– лойиҳа лойиҳалаш контекстига мос келмайди.

2. Лойиҳанинг маданий аналогга мос келиши:

– лойиҳанинг маданий аналогга мос келади;

– лойиҳанинг маданий аналогга қисман мос келади: 2 мартадан кўп бўлмаган тузатиш;

– лойиҳанинг маданий аналогга қисман мос келади: 4 мартадан кўп бўлмаган тузатиш;

– лойиҳа маданий аналогга мос келмайди.

3. Лойиҳалаш жараёнларини ўзлаштирилганлик даражаси:

– лойиҳалаш жараёнлари тўлиқ ўзлаштирилган;

– лойиҳалаш жараёнлари қисман ўзлаштирилган: 1 та босқич ўзлаштирилмаган;

– лойиҳалаш жараёнлари қисман ўзлаштирилган: 2 та босқич ўзлаштирилмаган;

– лойиҳалаш жараёнлари қисман ўзлаштирилган: 3 та ва ундан ортиқ босқичлар ўзлаштирилмаган.

4. Лойиҳанинг ҳимоя қилиш талабларига жавоб бериши (доклад, презентация, иш таҳлилининг мавжудлиги):

– доклад, презентация, иш таҳлили мавжуд;

– доклад ва иш таҳлили мавжуд;

– доклад ва презентация мавжуд;

– презентация мавжуд.

Маълумки, киши қайси соҳада фаолият юритишидан қатъи назар, у ҳамкорликда ишлаш кўникмаларига эга бўлиши керак. Шу сабабли талабаларнинг гуруҳларда ишлаш, фикр алмашиш, ўз позициясини ҳимоя қилиш каби кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган “кичик гуруҳларда ишлаш” каби методлардан таълим жараёнида кенг фойдаланилади. Аммо гуруҳ бўлиб ишлашда талабаларнинг индивидуал

фаолиятларини баҳолаш бирмунча мушкул. Times Higher Education World University Rankings рўйхатида 201-250-ўринда турган University College Dublin баҳолаш жараёнининг аниқ, шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида талабаларнинг гуруҳли фаолиятларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиққан. Унга кўра, биргаликда ишлашни баҳолашда:

– талабаларнинг жамоа бўлиб ишлаш жараёнлари;

– талабаларнинг жамоа сифатида ишлашларининг маҳсули баҳоланиши керак.

Ўқитувчи гуруҳ бўлиб ишлашни баҳолашда:

– жараён, натижа ёки уларнинг ҳар иккиси муҳимлигини аниқлаши;

– талабалар индивидуал баҳоланадими ёкида жамоа баҳоланадими;

– талабалар бошқа гуруҳ аъзолари томонидан баҳоланадими ёки ўқитувчи томониданми каби саволларга жавоб топиши зарур.

Баҳолашда қуйидаги ёндашувлардан фойдаланиш мумкин:

– Барча талабалар гуруҳ билан ишлаганлари учун 30 дан 23 оладилар.

– Барча талабалар гуруҳ билан ишлашда алоҳида топшириқлар оладилар.

– Ҳар бир талаба ўз вазифасини бажаришига кўра алоҳида баҳоланади.

Барча талабалар гуруҳ билан ишлаш учун бир хил баҳоланадилар. Сўнг уларнинг баҳолари қўшилади. Масалан, 30 дан ҳамма 23 олди. Демак, 3 та талабадан ташкил топган гуруҳ жами 69 балл тўплади. Сўнг талабалар ўзлари келишган ҳолда, А=28, б=19, с=22 каби тартибда балларни бўлишадилар.

Барча талабалар бир хил баҳоланадилар. (Масалан, максимал 30 дан ҳамма 23 олади). Гуруҳ баҳоси 100 дан 69. Қолган 21 балл талабалар томонидан ҳаққоний овоз бериш орқали гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланади. Масалан, А=23+9, Б=23+4, С=23+7

Талабалар гуруҳ билан ишлаганликлари натижаси учун бир хил баҳоланадилар сўнг, ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилади ва алоҳида тартибда баҳоланади.

Барча бир хил баҳоланади, аммо, гуруҳ билан ишлашдан сўнг ўқитувчининг назорат саволлари, назорат топшириғига тўғри жавоб берган ва қониқарли бажарган талабаларга қўшимча балл қўйилади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Тадқиқот ва сўровнома натижаларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифлар илгари сурилмоқда:

Биринчидан, мустақил таълимга ажратилган соатлар бўйича контакт соатларни ташкил қилиш ҳамда ушбу ҳолатни кўзда тутган ҳолда, олий таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартириш киритиш лозим.

Иккинчидан, профессор-ўқитувчилар юкламасини ҳисоблаш бўйича вақт меъёрларини қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки ўқитувчи мустақил таълимга берилган топшириқ ва вазифаларни текшириши ҳамда баҳолаши учун қўшимча вақт ва куч сарфлайди.

Учинчидан, ҳар бир таълим йўналишлари бўйича талабалар мустақил таълим жараёнида шакллантириши зарур бўлган компетенциялар рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда мустақил таълимни шунга асосан ташкил қилиш лозим.

Тўртинчидан, талабалар мустақил таълимга берилган мавзулари бўйича эгаллаган билимларини оралиқ/якуний назоратларида текшириш ҳамда баҳолашни кенг жорий қилиш лозим. Ушбу ҳолат мустақил таълимга талабалар томонидан жиддий ёндашишига сабаб бўлади.

Бешинчидан, мустақил таълим аҳамиятини ошириш мақсадида ўқув жараёнларида маълум миқдорда (чорак, нимчорак) кредит миқдорини белгилаш ёки мустақил таълим бўйича бажарилган топшириқ ва вазифаларни баҳолаш орқали талабаларга модуль/фан доирасида турли имтиёзлар тақдим этишни жорий керак.

Юқорида санаб ўтилган фикрларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида мустақил таълим жараёнини амалга оширишда тизимли ишларни йўлга қўйиш, талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболий вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга асос бўлади.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Мустақил таълимнинг ўрни ва баҳолаш мезонлари 5
Профессор-ўқитувчилар учун ўтказилган сўровнома натижалари 6
Талабалар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари..... 10
Мустақил таълим олиш жараёнида талабаларнинг компетенцияларини ривожлантириш..... 17
Талабаларнинг мустақил таълим олиши бўйича хориж тажрибаси..... 19
Оралиқ-якуний назоратлар мазмунига интеграциялаш..... 22
Мустақил таълим топшириқларининг шакл, вазифа ва даражалари 25
Мустақил таълим топшириқларини баҳолаш мезонлари 28
Хулоса ва тавсиялар 30

Услубий нашр

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-10.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Мустақил таълимни

ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари

ISBN 978-9910-9622-8-8